

ЁШЛАРДА ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Кодирхонов Асатиллохон

Мустақил тадқиқотчи

Аннотация. Мазкур мақолада глобаллашув ва инновациялар даврида ўқувчи-ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш масалалари ёритилган. Интернет технологияларининг тезкор ривожланиши, улар орқали тарқатилаётган ахборотларнинг кўплиги ҳамда ижобий ва салбий таъсирларини фарқлаш зарурати таҳлил қилинади. Шунингдек, ёшларнинг интернетга қарамлиги, виртуал оламнинг руҳий, ахлоқий ва жисмоний саломатликка салбий таъсирлари, ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш усуллари ҳамда бу борада педагогларнинг масъулияти ҳақида фикр юритилади. Муаллиф интернетдан фойдаланиш маданиятини ривожлантиришда танқидий тафаккур, ахборотни таҳлил қилиш, тўғри баҳолаш ва хавфсиз фойдаланиш кўникмаларини ўқув дастурларига интеграция қилиш зарурлигини асослайди.

Калит сўзлар: интернет, ахборот технологиялари, ўқувчи-ёшлар, интернет маданияти, танқидий тафаккур, ахборот хавфсизлиги, интернетга қарамлик, виртуал олам, медиа саводхонлик, педагогик ёндашув.

Бугунги глобаллашув жараёнлари, инновациялар даврида интернетдан фойдаланиш маданиятини ўқувчи-ёшларда тўғри шакллантириш таълим жараёнида уларда мустақил, шахсий ва танқидий тафаккурни ривожлантириш вазифасини қўймоқда. Чунки, узлуксиз таълим тизимида ахборот коммуникатив технологияларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш орқали ўқувчи ёшларда оммавий ахборот воситаларидан, интернетдан фойдаланиш маданиятини жорий этиш билан бирга педагогик, психологик, маънавий ҳамда жисмоний зарар етказмасликка хизмат

қилувчи рационал онг, тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш зарурияти мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда интернет сайтларига ҳар қандай маълумотларни жойлаш мумкин ва у маълумотларнинг хажми жудаям ортиб кетдики уни ўлчай оладиган ўлчов бирлигининг ўзи мавжуд эмас.

Тармоқлардаги маълумотларнинг қай даражада фойдали ёки зарарли эканлигига ажрата олиш учун эса воқеликка очиқ кўз билан қараш, жаҳонда ва ён атрофимизда юз бераётган ўзгаришларга, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ҳамда хатарларни, тарқатилаётган турли маълумотлар, ахборотларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқ чиқариш доимо хушёр бўлишни талаб қилади.

Мамлатимизда ахборотлаштириш ва интернет ресурсларидан фойдаланиш юзасидан кўплаб қонун ва қарорлар қабул қилиниб, амалда ижроси таъминланмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қонун ва қарорларнинг асосий мақсади, мамлакатимизда ахборот коммуникация технологиялари, интернет ва мультимедиа ресурсларидан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда ўқувчи-ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда ўқитиш ва ўрганиш жараёнида Интернет технологияларига катта ўрин ажратилмоқда. Бундай технологиялар таълим жараёнига кўмаклашиб, ўқитиш дастурлари, ўқув қўлланмалари, электрон дарсликлар ва журналлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқда, фойдаланувчиларнинг турли янгиликлардан фойдаланишларида, илмий ва тадқиқот ишларини олиб боришларида ҳамда масофавий лойиҳаларда иштирокларини таъминламоқда.

Лекин Интернет тармоғидан фойдаланишда масаланинг иккинчи томони мавжудки, у ҳам бўлса, интернет саҳифаларига наркотиклар, беҳаё фильмлар, ахлоқсиз ўйинлар, диний, ирқий дискриминацияни тарғиб қилувчи материаллар ва бошқа салбий, ёт ғоялардан иборат виртуал оламга кириб қолиши туфайли ўзининг ёки ўзгаларнинг жонига қасд қилиш оддий

холга айланаётгани сир эмас. Компьютер хизматларидан фойдаланиш учун вақтини ҳам, пулини ҳам хаттоки соғлиғини ҳам аямайдиганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ёки баъзи мамалакатларда реал ҳаётни виртуал ҳаётга алмаштирган, руҳий носоғлом беморларни даволашга ихтисослашган шифохоналар ташкил этилаётгани ҳам глобал тармоқдан тўғри фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш долзарб масала эканлигини кўрсатмоқда.

Шунинг учун ҳам катталарнинг вазифаси - интернет тармоғида мавжуд маълумотларни, ахборотларни тушуниб, кекраклисини танлаб олиш шароитларини яратиш ва таҳлил қилиш кўникмасини шакллантиришдан иборатдир. Агар ўқитувчи ўз фани бўйича интернат сайтлар рўйхатини тузиб, ресурслар билан ўқувчиларни таништира, уларнинг фаолиятини мақсадга йўналтира, улар бегона сайтларга ҳуда беҳуда кирмайдилар. Интернет кенг имкониятлар яратиб берувчи тармоқ бўлиб, фан ўқитувчилари ва ўқувчиларда бу тармоқда ишлаш кўникма ва малакаларни ривожлантириш такомиллаштириб бориш таълим тарбия жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қилиши зарур. Шунинг таъкидлаш керакки, замонавий оламдаги оммавий ахборот ва интернет билан мулоқот маданиятини шакллантириш мақсадида ижодий, коммуникатив салоҳиятлар, танқидий тафаккур, ахборотларни тўлақонли идрок этиш, талқин қилиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг турли шакллари ўқитиш мақсадида оммавий коммуникация воситалари ва материаллари ёрдамида шахсни ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда қайси бир соҳани олмайлик унинг ривожланиши замирида ахборот коммуникация технологиялари ва ахборотлар алмашинуви учун интернет тармоғи муҳим бўлиб қолди. Ҳозирда нафақат шаҳар жойларда балки чекка чекка қишлоқларга ҳам ахборот коммуникация технологиялари кириб борганлигини кўришимиз мумкин. Бунга мисол қилиб. “paynet” хизмати, бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга компьютер техникаси ёки телефон тармоғи ёрдамида юборилаётган почта хизмати ва бошқаларни айтишимиз мумкин.

Ҳозирги кун талаби ҳам ушбу технологияни мукаммал билиш, амалда қўллай олиш, ёшларнинг компьютер саводхонлигини ошириш. Интернет тармоғидан унумли фойдаланиш билим ва кўникмалари шаклланган малакали кадрлар тайёрлашдан иборат.

Бугунги кунда интернетдан фойдаланиш маданияти етарли даражада шакллантирилмаслиги натижасида “интернетга қарамлик” термини оммалашди.

“Интернетга қарамлик” бу баъзи ёшларнинг интернетда кўп вақтни сарфлаш ёки бошқача қилиб айтганда;

- “Web syorfing”ни худди наркотикларга қарам бўлгандек бир гап деб тушунилмоқда;

- иккинчи томон эса, уйда тинчгина ўтириб интернетда вақт ўтказишни наркотик моддалар билан тенглаштириб бўлмайди, деб ҳисоблашса;

- учинчи томон эса, интернетни вақтни ёқимли ўтказишнинг энг арзон усули ва стрессдан халос бўлиш воситаси деб билишмоқда.

Интернетга қарамлик бу реал ҳаётдан узилиб, виртуал борлиққа тушиб қолиш ва ундан ҳеч ҳам чиқиб кетишни истамаслик билан изоҳланади.

Виртуал олам инсонни манипуляция қилмоқда. Манипуляция бу фикрий қарамлик орқали ўзига бўйсундириш демакдир.

Виртуал оламда инсоннинг вақтни идрок қилиш тизими бузилади, ижтимоий фаоллиги камаяди. Компьютер қаршисида вақт ўтганини сезмай қолишининг боиси ҳам шунда. Виртуал воситаларнинг салбий таъсири маънавий ахлоқий таназзул билан чегараланиб қолмай, инсоннинг иммун тизимини пасайтиради, умртқа поғонаси ва кўз касалликларини келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари компьютер техникасидан фойдаланишда муҳим ўрин тутувчи гигиена, меъёрий қоидаларни ўқувчи-ёшларга ўргатишда ҳам айнан ўқитувчи маъсул ҳисобланади.

Сўнгги пайтларда интернет орқали таъқиб этиш ёки илмий тилда айтадиган бўлсак, “grifing” ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу каби ҳолатларнинг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами, хусусан,

Ўсмирлар ҳисобланади. Сабаби;

- шу ёшда болалар табиатан очик бўлади;
- дунёга фақат ижобий нуқтаи назар билан қарайди;
- улар ўзлари эришган ютуқлари билан ўртоқлашишни;
- ўз фикрларини бировларга баён этишни, ғоялари билан бўлишишни

хоҳлайдилар;

- ўсмирлар ўта ишонувчан, буйруқларни осонликча бажарадиган, компьютер ўйинларига қобилиятли, бўладилар;
- атрофдагилар билан кўпроқ мулоқотда бўлиб, янги фикр ва ғояларни ўртага ташлайдилар, уларни амалда қўллашга интиладилар, бироқ бу борада уларга ҳаётий тажриба етишмайди.

Ўқувчи ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш учун саводлилик-билимлилик-салоҳиятлик-маданият-менталитет тизимини ривожлантириш зарур.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда интернетдан фойдаланиш дарслари факультатив сифатида мактаб дастурига киритила бошланди. Бундай факультатив дарслар орқали ;

- ўқувчи-ёшлар интернетдан олинadиган маълумотларнинг ҳаққоний ва тўғрилигини текширишга ўргатилади;
- интернетдан фойдаланиш маданияти шакллантирилади;
- уларнинг салбий томонларини, ёшларнинг онгига таъсирини камайтириш чора-тадбирлари кўрилади;
- ахборотлардан фойдаланиш тартиб қоидалари кенг тарғиб қилинади;
- уларнинг имкониятларидан тўғри йўлда фойдаланиш кўникмаларини тарғиб этилади;
- интернет ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш ташкил этилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, бугунги кун баркамол авлод ёшларини тарбиялашда ахборот коммуникация технологияларини ўрганиш интернет ресурсларидан оқилона фойдаланиш етакчи ўринни эгаллайди.

Яъни бугунги куннинг замонавий малакали мутахассиси бўлиш учун замонавий билимлардан орқада қолмаслигимиз кераклигини ўқувчи- ёшлар онгига сингдиришимиз керак бўлади.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ҳасанов, Б. (2022). Ахборот-коммуникация технологиялари ва ёшлар тарбияси. Тошкент: Инновация нашриёти.
2. Юсупова, М. (2021). Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги асослари. Самарқанд: СамДУ нашриёти.
3. Тўхтаев, И. (2020). “Замонавий медиа маконида ёшларнинг психологик ҳимояси.” Таълим ва тараққиёт журнали, 3(2), 45–52.
4. Шавкатова, Г. (2019). “Ўқувчиларда медиа саводхонликни шакллантириш методикаси.” Педагогик таълим журнали, 5(4), 61–67.
5. Livingstone, S., & Helsper, E. J. (2007). “Gradations in digital inclusion: Children, young people and the digital divide.” *New Media & Society*, 9(4), 671–696.
6. Buckingham, D. (2013). *Media Education: Literacy, Learning and Contemporary Culture*. Cambridge: Polity Press.
7. UNESCO (2011). *Media and Information Literacy Curriculum for Teachers*. Paris: UNESCO Publishing.
8. Қодиров, А. (2023). Ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш стратегиялари. Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети нашриёти.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПҚ–4851-сон қарори “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 декабрдаги 1060-сон қарори “Умумтаълим муассасаларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”.